O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 10 август, № 156 (4309) Жума

16 йил

## Тошкент вилояти:
# УЛКАН САЛОҲИЯТ, ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИ

Вилоятда **2004-2006** йиллар мобайнида **10** та билим маскани қурилди. **95** та мактаб мукаммал реконструкция қилиниб, **143** таси капитал, **33** таси жорий таъмирдан чиқарилди. Бу мақсадларга **48,2** миллиард, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари олиш учун **10** миллиард сўм харжланди.



### Водийларни яёв кезганда...

### Фермернинг топгани – элнинг топгани

Қуёшда тобланган боғ-роғлар болга тўлди. Мавсумий ўсимликлар ҳар қачонгидан гуркираб, ғўзалар дуркунлашиб қолди. Деҳқончасига айтганда, экинни ясатиш, кузги ҳосилни чамалаш палласи бошланди. Табиийки, бу дамларни Тошкент вилояти дала меҳнаткашлари ҳам ғанимат билиб, унинг ҳар дақиқасидан омилкорона фойдаланишга интилмоқдалар. 108 минг гектар майдонда парваришланаётган пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштириб, ҳозиргача эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш йўлида астойдил тер тўкмоқдалар.

Дарвоқе, улар бу йил давлатга 1290 тонна пилла, 270 минг тонна ғалла топшириш мажбуриятини олишган эди. Эзгу ниятда қилинган меҳнатлар зое кетмади. Иккала тармоқда ҳам шартнома мажбурияти муваффақиятли уддаланди. Чунончи, 27173 қути қурт уруғининг ҳар биридан ўртача 51,5 килограммдан қимматбаҳо хом ашё олинди. Бунда зооагротехника қоидаларига қатъий риоя қилишдан ташқари, салкам 6,4 миллион туп тут рисоладагидек парваришлангани, 500 гектарлик плантация қайта тикланиб, 244 гектарлик янги тутзор яратилгани ҳам муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).



*Табиатан дангал гапни айтишни хуш кўрадиган одамман. Шунинг учун ҳам ортиқча манзирату мақтовлардан қочиб, борини бор, йўғини йўқ деб қўя қолсам.*

## МУСТАҚИЛЛИК – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА!

Фахр

Халқимиз беш қўл баробар эмас, деб бежиз айтмаган экан. Баъзан ўйлаб қоламан. Қаранг, фермерлик ҳаракати илк бор йўлга қўйилган йилларда бу янгиликка эътироз билдирган, унга шубҳа билан қараганлар кўп бўлди. Нима эмиш, гўё авваллари аҳвол бошқача бўлгану, хўжаликларнинг "қўли" анча-мунча жойга етган. Имконияти ҳам ҳозирги фермерларникига қараганда катта бўлган...

Энди дўппини бошдан олиб би-ир ўйлаб кўринг: хўп, уларнинг имконияти кенг бўлган бўлса, нега унда қишлоқларда инфратузилма яхши ривожланмаганди? Яхши эслайман, масалан, ўша вақтларда қишлоқларда тузукроқ шифо маскани, ёшлар учун илм даргоҳи ёки гузар йўқ эди. Тоза ичимлик суви, табиий газ кириб бормаган хонадонлар-чи, қанча эди? Ахир булар ҳаёт учун энг зарур бўлган шароитлар ҳисобланади-ку? Ҳар қандай одам ҳам ҳаёти қандайлигини мана шу оддий шароитлар билан ўлчайди.

Нега бу гапларни айтаяпман? Истиқлол туфайли фермерлик ҳаракати йўлга қўйилиб, ер эгалари учун эркин меҳнат шароити яратиб берилди. Хўш, натижа қандай бўлди? Жавобни исталган вилоят, исталган туманга борсангиз топасиз: мўмай даромад орттирган фермерлар энди ўзларидан ортиб, бунёдкорлигу ободонлаштириш ишларида бош-қош бўлишмоқда. Қишлоқлар чирой очмоқда.

Мана шу мустақиллик шарофати билан мен ҳам мулкдор бўлдим. Ҳозир 300 гектарга яқин ернинг эгасиман. Техникаларимиз ҳам ўзимизга етарли. Бир пайтлар битта техника илинжида юрган бўлсак, энди ён-веримиздаги фермерларга ҳам техникадан қарашяпмиз.

Фермер одам дарров даромаду фойдасини ҳисоб қилади-да. Ишонсангиз, кейинги уч йилда пахта ва ғалла етиштириш ҳисобидан 170 миллион сўмдан ошиқ соф фойда кўрибмиз. Очиғи, илгарилари бунақанги маблағ эгаси бўлиш тушимга ҳам кирмаганди. Банклар ҳам "лаббай" деб турибди. Қаёққа пул кўчириш керак бўлса, дарров ўтказиб беришаяпти. Энди холис туриб айтинг-чи, бунақанги имконият қаёқда бор?

Ишинг яхши бўлса, кўнгилга хайрли ишлар ҳам сиғади. Ҳудудимиздаги олтита оилани оталиққа олганмиз. Бешта оилага соғин сигир олиб бердик. Болалар спортини ривожлантиришга ҳам имкон қадар ҳисса қўшаяпмиз. Бу ишларни ҳеч қачон тўхтатмаймиз. Чунки мустақиллик берган муваффақиятларни оқлашимиз керак.

**Рустам ЎТАБОЕВ,**
**Арнасой туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари.**

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2007 йилнинг дастлабки олти ойи давомида республикамиз бўйича 314,8 мингта янги иш ўрни очилиб, бу борадаги ўсиш**

**114 фоизни ташкил этди.**

Меҳнат бозорида фаол сиёсат юритилиб, бандликни таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларнинг изчил бажарилаётгани, қолаверса, касаначилик асосидаги меҳнат қўллаб-қувватланаётганлиги туфайли шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.

Анжуман

***Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Республика "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида "Инсон манфаатлари — олий қадрият" шиори остида маънавий-ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил этилди.***

### Инсон манфаатлари – олий қадрият

Анжуманда Республика Маънавият тарғибот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари раҳбарлари, олимлар, маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар борасида тўхталдилар. Хусусан, Ижтимоий ҳимоя йилида Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлидаги изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Иштирокчилар, шунингдек, кейинги йилларда жамиятимизда зарур ижтимоий муносабатлар шаклланганлиги, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий асослари яратилганлиги, фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий дунёқараши такомиллашиб бораётганлигига алоҳида урғу бердилар.

**М. ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Яхши хабарлар

### Бозорларда файзу таровват

***Мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси саналган Олот тумани буюм бозори ҳудуди ҳозир қурилиш майдонини эслатади.***

Бу ерда қисқа муддат ичида 140 тадан зиёд савдо дўкони қад ростлади. Икки гектар майдонда эса деҳқон бозори барпо этилаяпти.

Олот шаҳрининг қоқ марказида жойлашган эски деҳқон бозори саҳни торлиги боис харидорлар ва сотувчилар учун ноқулайликлар туғдираётганди. Шу инобатга олиниб, шаҳар четидаги буюм бозорини ободонлаштириш фикрига келинди. Замонавий лойиҳа асосида барпо этилиб, Мустақиллик байрами кунига фойдаланишга топшириш мўлжалланган янги бозор Олотнинг кўркига кўрк қўшади. Муҳими, харидору сотувчи учун қулайликлар яратилади.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Саломатлик» поезди Оролбўйига

***"Экосан" халқаро ташкилотининг бу галги инсонпарварлик поезди Қорақалпоғистонга йўл олди.***

Унда 50 миллион сўмлик кийим-кечак, пойабзал, кўрпа-тўшак ғилофлари, санитария-гигиена воситалари бор.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан "Экосан"нинг "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу инсонпарварлик юки кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, шунингдек, ижтимоий муассасаларга топширилади.

**М. ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Нон ҳақида сўз

***Оллоҳ Таоло сиз билан бизларга чексиз нозу неъматларни ато этди. Бу неъматларнинг энг улуғи, энг мўътабари Нондир. Унинг қадр-қиммати бебаҳо, мазмун-моҳияти мислсиз. Ота-боболаримиз нонни азиздан азиз билганлар, ҳаётимизнинг қадрияти, турмушимизнинг муқаддас риштаси, эътиқодимизнинг табаррук тимсоли сифатида кўз қорачиғида, қалб ардоғида авайлаб-асраб келганлар. Зеро, ризқ бергувчи Оллоҳ Таолодир. Ризқнинг эса аввали ҳам, сўнги ҳам «Нон» деган тўқликни, бутунликни, фаровонликни, саховатни англатувчи асл сўзга нақш этилган. Алалхусус, дунёдаги жамики мамлакатлар, миллатлар, элатлар ичида Нонга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ахлоқ ва тарбия даражасига кўтарилган нурли манзил — Ўзбекистондир.***



# ИСРОФ – ГУНОҲИ КАБИРА

Бизда икки ёшнинг бахту саодати учун фотиҳа лаҳзаларида ё катта нон, ё патир ушатилади. Умрингиз узун, ризқингиз бутун бўлсин, дея тилак қилинади. Деярли ҳар бир хонадонда кексаларимиз ёшларга нонни увол, исроф этмаслик борасида пандўгитлар беришади. Бинобарин, фарзандлар ҳаққига айтилган ҳар бир дуо сўнгида, нондек азизликни, эъзоз топишни Оллоҳдан сўраймиз. Узоқ сафарларга жўнаётган фарзанди аржумандимизга, албатта, нон тишлатамиз. Бу билан унинг бир тишлам насибаси ўзи билан, қолгани она Ватанида, ота юртида, қадрдон қишлоғу маҳалласида, оиласида қолгани рамзи тариқасида, фарзандимиз қайтгунча асраб қўямиз.

Алҳол, нонни ўпиб, пешонага суртиш, ерга ушоқ тушса, битталаб териб олиб, шукроналар айтиш, унга чексиз эъзоз, қадр, эҳтиром кўрсатиш — инсон поклиги, ҳалоллиги, имон-эътиқоди мустаҳкамлигидан далолатдир. Зеро, Оллоҳ Таоло Қуръони Каримда, Иброҳим сураси, еттинчи оятда шундай амр этган:

«Яна Роббингиз эълон қилган (бу сўзларни)ни эсласангиз: «Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азоби (ҳам) жуда қаттиқ».

Шукр қилмоқ эвазига бериладиган мукофот инсон диёнати, собитлиги, ахлоқининг нечоғлик гўзаллиги билан ўлчанади.

Ривоят қилишларича аввал, қадим замонларда бир давлатманд киши аҳли илмларнинг забардаст пешвоси ҳузурига келиб, узрхоҳлик билан шундай дебди:

— Мен кундан-кунга бойиб кетаяпман. Бундан азият чекмоқдаман. Чунки ибратда ҳам, ҳикматда ҳам ўртаҳоллик яхши.

Олимлар пешвоси узоқ ўйланиб, бойга қуйидаги маслаҳатни берибди.

— Туяга миниб нон енг.

Бой туяга миниб нон ебди, бир дона ушоқ ерга тушибди. Дарҳол туядан тушиб, ушоқни излай бошлабди. У қумга сингиб кетгани боис тополмабди. Охири ўша ушоқ тушган жойни ўраб, девор кўтарибди. Бир неча ой ўтгач, бой тағин ўша олимлар пешвосини йўқлаб борибди. — Давлатим тағин зиёда бўлаяпти, ҳеч камаймаяпти, деб ўксинибди.

Пешво сўрабди: хўш, нима бўлди?

Бой айтибдир: сиз маслаҳат бергандек туяда ўтириб нон едим. Шунда бир ушоғи ерга тушди. Биров босиб, кўзи кўр бўлмасин, ушоғни хор қилмасин дея атрофига девор кўтариб қўйдим, — дебди. Олим бойга таъзим айлаб:

— Сиз асло камбағаллик нималигини билмайсиз. Чунки сизда шукроналик ва ҳиммат бор, нонни ушоғини эъзоз қилдингиз, — дея жавоб қайтарибди.

Бу ривоят, айни пайтда, ҳар биримизга ибрат. Чунки биз саодатманд замонда, тўкин-сочинликда, инсон шаъни улуғланган диёрда яшаяпмиз. Улуғ аждодларимиз шарафини тиклаб, қадамжолари обод қилинаётган, ўзлигимиз, маданиятимиз, меросимиз англанаётган, маърифатли, бунёдкор, оқибатли жамиятда яшаяпмиз. Шу боис, бизга Оллоҳ Таолодан улкан барокатлар ёғилаётир. Хусусан, яқинда 6 миллион 250 минг тонна ғалла хирмони уюлгани сўзларимнинг исботидир. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ушбу муносабат билан йўллаган табрикларида «Сиз, азиз деҳқонларнинг пешона тери, азму шижоатингиз билан етиштирилган ғалла ҳосили ҳар қайси хонадонда тўкчилик белгиси бўлиб, эл-юрт дастурхонини тўлдириб, одамларнинг кўнглида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаши ва бутун халқимиз Оллоҳ берган бу бебаҳо неъмат учун шукрона келтириб, уни юксак қадрлаб, сизларнинг шаънингизга чуқур миннатдорлик билдириши табиийдир» деб алоҳида таъкидладилар. Ушбу таъкидда нон — тўкчилик, ишонч, бебаҳо неъмат эканлиги ва унга шукроналар айтиш, уни юксак қадрлаш лозимлиги Юртбошимиз томонидан яна бир карра эслатилиши бежиз эмас.

Чунки биз савобталаб, меҳри жўшқин, муҳаббатли, тоза, иймонли халқмиз. Биз доимо ана шундай таърифларга муносиб бўлишга ҳаракат қилмоғимиз, зинҳор, бу хислатларимизни қадрсизлантиришга ҳаққимиз йўқ. Таассуфки, тўқликка-шўхлик деганларидек, гоҳо нонга нисбатан эҳтиромимизни, эъзозимизни унутамиз. Унинг исрофига йўл қўямиз. Ҳозир тўй-маросимлар айни авжига чиққан. Қаерга борманг, дастурхонлар тўкин, ноз-неъматларга қараб кўз қамашади. Беҳисоб нонлар дастурхонларга тортилган. Ярмидан кўпи, зарурат бўлмаса-да, ушатилган. Кўриб, юрагингиз ачишиб кетади. Исрофгарчиликдан мулзам тортасиз.

Сабаби — нон муқаддас неъмат, унга юзаки муносабат инсонга обрў келтирмайди. Ахир исрофгарчилик — катта гуноҳ. Нонниг хор қилинган ҳар бир ушоғи эртага зиёнга йўл очса, нима деймиз? Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалам ҳадиси шарифларидан бирида: «Эй умматларим, енглар, ичинглар, садақа-эҳсон қилинглар, лекин уларга исроф ва такаббурлик аралашмасин» дея марҳамат қиладилар. Тўйларда, маросимларда ҳаддан ташқари нон исрофига йўл қўйиш, кечирасиз-у, айримларнинг такаббурлиги эмасмикан?!

Икки ҳафтача муқаддам пойтахтимизнинг кўп қаватли уйларидан бирига ақиқа маросимига таклиф қилишди. Ихчам, камтарона маросим уюштирилибди. Хонадон аҳлидан мамнун бўлиб, чиқиб кетаётганимизда эшик тақиллаб қолди. Тўхтаб қолдик. Эшик ортида ёш йигитча тўрва кўтариб: «Қотган нонларингиз борми, молга берадиган?» деб турган эди. Хонадон келини шоша-пиша бир халтача қотган нонни бериб: «Вақт бемаҳал келасиз-да», деб койинганини эшитиб, дилимиз хуфтон тортди. Шундай, гўзал маросим қаёқда қолди-ю, хонадондаги бу ҳурматсизлик қаёқда қолди. Ахир илоҳий амр бор: «шунингдек, еб-ичингиз (лекин), исроф қилмангиз. Зеро, у исроф қилгувчиларни севмагай». (Аъроф сураси. 31-Оят).

Хонадон аҳли қотган нонларни туйиб, талқон қилиб, бирор ширинлик қўшиб дастурхонга қўйса, у яна бир ажойиб неъматга айланади-ку. Қолаверса, нон инсонга берилган. Эъзоз ва эҳтиром тариқасида тақдим этилган. Мол учун аталмаган.

Бундан ташқари, деҳқонларимизнинг заҳмати, кечаю-кундуз давом этган меҳнати, мурувvати ҳар бир нонда акс этиб турибди. Шундай экан, нон ҳурмати нафақат унгагина, балки барча ғаллакор деҳқонларимизга ҳам тегишли.

Нонни азиз тутиш хусусида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан фатво қабул қилинган. «Нонни хор қилсанг, у сени хор қилади» дейди доно халқимиз. Зотан, нонни азиз тутган, унинг ҳар бир ушоғини қадрлаган кишилар — барокатли кишилардир.

Юртимизга Оллоҳ назари тушган. Бундай юртда яшаш шараф. Давлатимизнинг мамлакат тараққиёти ва халқ манфаатлари ҳимоясига қаратилган доно сиёсати, ватандошларимизнинг фидойилиги натижасида, савоб ва хайрли ишлар эвазига бу кунларга етдик.

Шу боис, бу тўкинчиликнинг қадрини билишимиз, шукроналар айтиб, биз учун азиз бўлган нонниг ҳам, шунинг баробарида у билан боғлиқ қадриятларимизни ҳам, обод ва фаровон замонимизни ҳам ҳурматини баланд тутмоғимиз даркор. Шундагина зиёдалик кўрурмиз, қаттиқ азобларга қолмаймиз.

**Усмонхон АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Кардиология муаммолари муҳокамаси

***Наманганда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Кардиология ва кардиохирургиянинг долзарб муаммолари" мавзуида республика семинари ўтказилди.***



■ Унда юрак хасталикларига ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш услублари, эндоваскуляр жарроҳлик каби кардиология муаммолари ҳақида сўз юритилди. Анжуманда Россиянинг Новосибирск вилояти клиник кардиология диспансерининг И. Бравел, И. Балабанов бошчилигидаги бир гуруҳ профессор ва шифокорлари ҳам иштирок этдилар.

Тадбир давомида юрак туғма нуқсонлари, аортал клапан протезлари сингари ўндан зиёд ўта нозик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

**А. САТТОРОВ.**
**А. ҲАМДАМ олган сурат.**

### Ҳар қишлоқнинг ўз гузари бор

***Қўрғонтепанинг Чимён қишлоғида энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида 200 ўринли тантаналар саройи, 60 ўринли кафе, минимаркет, новвойхона бинолари мижозларга ўз эшикларини очди.***

■ Шу ерда истиқомат қилувчилардан эллик нафарга яқини ишли бўлди.

Тадбиркор Козимжон Қорабоев бўлса Андижон туманидаги Хартум қишлоғида яшовчи ҳамқишлоқлари учун сартарошхона, қассобхона, чойхона, ошхона, савдо дўкони, ҳаммомни ўз ичига олган ажойиб гузар тиклаб берди.

Олтинкўл туманидаги 56 та маҳалланинг барчасида савдо ва маиший хизмат шохобчалари очиш ҳаракати кетмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сулола саховати

***Қанғликўл туманидаги «Бешкўпир» овулида истиқомат қилувчи Режеп Ўтемуратов сулоласи анча йиллардан буён деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, боғдорчилик билан шуғулланиб келади.***

■ Икки йилдирки, меҳнаткаш оила саноат касаначилиги билан банд. Эътиборли жойи шундаки, улар ўзлари топган даромаддан ҳудуддаги 10 оилага ижтимоий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, улар қишлоқ болаларининг бир қисмига спорт анжомлари ҳадя қилдилар.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «ҲУМО» ёрлиғи билан

***Сурхондарё вилояти Музрабод туманидаги "Ҳумо" хусусий корхонасида замонавий хориж технологияси ўрнатилиб, макарон ва печенье маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бир кунда икки тоннагача сифатли маҳсулот тайёрлаш қувватига эга корхонада ўндан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда.***

■ — Ўтган йили «Ўзэкспомарказ"да ўтказилган минитехнология ва ихчам ускуналар кўргазма-савдосида иштирок этиб, россиялик ҳамкорлар билан шартнома тузган эдик, — дейди хусусий корхона раҳбари Холбой Соатов. — Шартномага мувофиқ ускуналар келтириб, ўрнатилди. Айни пайтда ўнга яқин турдаги маҳсулотларимиз бежирим қадоқланган ҳолда харидорларга етказилмоқда. Йил охиригача ишлаб чиқариш кўламини ошириб, янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаяпмиз.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Пахтачида тиббиёт маскани

■ "Соғлом авлод учун" халқаро ташкилоти Самарқанд вилояти бўлими ташаббуси билан Пахтачи туманида "Саломатлик" маскани ва "Кўникма" маркази очилди. Энди бу ерда касбкорсиз, ишсиз юрган хотин-қизлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига тикиш-бичиш, зардўзлик, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, миллий каштачилик, шунингдек, компьютер саводхонлиги сирлари ўргатилади.

**М. ТОЖИЕВА.**

### Касаначилар ҳиссаси

***Шовот туманида касаначилар сони кун сайин ошиб бормоқда. Айниқса, бу хайрли ишга "Шовотдон", "Шовот пахтатозалаш" ОТАЖ катта ҳисса қўшаётир.***

■ Ҳозирда ҳар икки корхонада 140 нафар касаначи иш билан банд. Жорий йилнинг олти ойи давомида улар томонидан 21 млн. 570 минг сўмлик иш бажарилди.

Туманда касаначилик ишига 22 та корхона жалб этилган бўлиб, айни пайтда 200 нафардан зиёд касаначи билан шартнома имзоланган.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Тошкент вилояти:

# УЛКАН САЛОҲИЯТ, ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ғалла ўрим-йиғимида 115500 гектар суғориладиган, 14000 гектар лалми ерда битган ризқ-рўз нес-нобуд қилинмасдан саранжомлаб олинди. Шубҳасиз, бунда ғаллачилик билан машғул фермерларнинг ҳиссаси беқиёс бўлди. Уларнинг кўпчилиги зиммасидаги вазифани бажарибгина қолмай, шахсий омборини ҳам донга тўлдирди. Масалан, пскентлик Холмурод Каримов ўз далаларида етиштирган 195 тонна буғдойнинг 125 тоннасини шартномага мувофиқ давлатга топшириб, қолганини хўжалиги аъзоларига тақсимлаб берди. Бўкалик Шоҳида Азимова ҳам шундай йўл тутди. Режадан ортган 30 тонна донни қўшимча даромад сифатида ишчиларига тарқатди. Оққўрғон туманидаги Қаншой Рисмуҳаммедова бошлиқ "Қувват" фермер хўжалиги деҳқонлари бундан-да юқори натижага эришдилар. Ҳосилдорликни 55 центнерга чиқариб, 273,8 тонналик хирмон уйдилар. Шундан 120 тоннасини ўзларида олиб қолдилар.

Ана энди ўзингиз холисона айтингчи, жамоа ёки ширкат хўжаликлари даврида ғаллакор шунча ҳосил олармиди? Йўқ, албатта! Олган тақдирида, лоақал бир ҳовучиям ўзига тегмасди. Ҳаммаси давлатга топшириларди. Устига устак, баъзан халқ ризқи зимдан талон-торож қилинарди. Энди-чи?..

Вазият батамом ўзгарди. Деҳқоннинг кўксига эркинлик шамоли тегди. У ерга чин маънода эгалик қилиш, заҳматига яраша даромад, муваффақиятига яраша рағбат кўриш бахтига муяссар бўлди. Айни чоғда, бу ишга бел боғлаганлар яккаш деҳқончилик ва чорвадорлик қилиш билангина кифояланиб қолмай, ўзлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқдалар, қишлоқда саноат ривожланмоқда.

Оҳангаронлик Мирсалим Мусаев фермерлик фаолиятини, бошқалардан фарқли равишда, ерга ер қўшишдан бошлади. Шу мақсадда бултур Ангрен дарёси соҳилларида асрлар оша чайқалиб ётган қамишзорни ўзлаштиришга чоғланди. Дебочасига 400 метрлик зовур қазиб, зах сувни қочирди. Сўнгра қамишларни ўриб, илдизларини битта-битталаб териб чиқди. Шу зайл 24,5 гектар ер очгач, уни чуқур ҳайдаб, маҳаллий ва маъданли ўғитга обдон тўйдирди. Ниҳоят 4-5 чақиримлик ариқ қазиб, оқарсув келтирди-да, 15 гектарга буғдой уруғи сочди. Ана, ерга умидла суқилган таёқнинг меваю япроқ беришини кўринг: бугунга келиб, у ўша майдоннинг гектаридан 44 центнердан ҳосил кўтарди. Эндиликда қолган пайкалларда ўстирилаётган озуқа экинларидан ҳам расамади билан фойдаланаяпти. Қўрасида 15 бош қорамол, 28 та қўй боқаяпти. Шу ҳисобдан тумандаги деҳқон бозорига 3 тонна гўшт, болалар боғчалари ва мактабларга 4 тонна сут етказиб беришни мўлжаллаяпти.

— Мен, — дейди у келгуси режаларига тўхталаркан, — Президентимиз жойларда фермерлар билан учрашувларда айтган гаплардан келиб чиқиб, фаолиятимни кенгайтирмоқчиман. Хўжалигим қошида қуритилган сут, пиёз ва мева тайёрлайдиган цех очиш ниятидаман...

Тошкент туманидаги "Рўзимуҳаммад Хоразмий-Барака" фермер хўжалиги раҳбари Музроб Қиличев ҳам изланувчанлик ва яратувчанлик бобида Мирсалим Мусаевдан асло қолишмади. Сўнгги пайтларда қўлдан-қўлга ўтавериб, охир-оқибат, қаровсиз қолган 15 гектар ерда жорий йил қишидан деҳқончилик қилаётган бу йигит фавқулодда янгиликка қўл урди. Помидор ва бодрингнинг фақат иссиқхоналарда ўстиришга мўлжалланган навларини дала шароитига мослаштиришга бел боғлади. Пировардида, кўклам тугамасиданоқ, ҳар сотих ердан икки теримда 400 килодан помидор, 500 килодан бодринг териб олди. Бундай тажрибаси билан исроиллик мутахассисларни ҳам лол қолдирди. Айни вақтларда у ҳосилдорликни икки ҳисса кўпайтириш, ўзи етиштирадиган ноз-неъматларни қайта ишловчи кичик корхона қуриш тараддудини кўрмоқда.

Бундай тиниб-тинмас, янгиликка ўч инсонлар тадбиркорлар орасида ҳам талайгина. Бухородан Тўйтепага келин бўлиб тушган, кейинчалик сиёсатшунос ва файласуф олима даражасига кўтарилган Жамила Шермуҳаммедовани уларнинг дарғаларидан десак, сираям янглишмаймиз. Чунки ҳозир республика Хотин-қизлар қўмитаси эксперти, Ўзбекистон юрист аёллар жамоа бирлашмасининг ижрочи директори вазифаларини бажараётган бу аёл мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ишбилармонлик қобилиятини ҳам намоён эта бошлади. Бора-бора, турмуш ўртоғи — иқтисод фанлари номзоди Расиқ Искандарович билан маслаҳатлашиб, "Ҳаёт — И.Р.Ж.О" номли оилавий хусусий корхона очди. Ўн бир йил ичида турли жойларда 16 та, жумладан, Тошкент вилоятида 3 та замонавий тегирмон қурди. Улардан бири — юздан ортиқ киши меҳнат қиладиган, ҳар кеча-кундузда 60 тоннагача йодланган ун ишлаб чиқарадиган шохобча олиманинг республикамиз тўйига навбатдаги совғаси бўлади. Ўз ўрнида, вилоятда тадбиркорлик билан банд 13211 нафар аёл учун ибрат мактаби вазифасини ўтайди.

Кўриниб турибдики, фермерлик ва тадбиркорлик нечоғли ривожланса, халқ шунча бойийди. Шаҳар-қишлоқларимиз ободонлашиб, аҳоли турмуши фаровонлашади. Янги-янги корхоналар пайдо бўлиб, қўшимча иш ўринлари яратилади. Вилоятда бу ҳақиқатни теран англаган ҳолда иш юритаётган, элим-юртим деб яшаётган фермер ва тадбиркорлар эса сон-саноқсиз...



### Импортдан экспортга

Тошкент вилояти замини кўп металли рудаларга, молибден, мис, алюминий, қўнғир кўмир сингари фойдали қазилмаларга, қурилиш ашёларига ниҳоятда бой. Шунга мувофиқ, бу ерда саноат азалдан яхши ривожланган. Аксариятининг номи чет элларда ҳам маълуму машҳур 90 дан зиёд йирик ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этилган. Бу корхоналар ўз салоҳияти ва бетакрор имкониятларига кўра, республикамиз тараққиётида муҳим ўрин тутади. Шу боис, Мустақилликка эришилгач, уларни кенгайтиришга, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлашга энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралди. Натижада, маҳсулотлар сифати яхшиланиб, рақобатбардошлиги ортди. Экспорт ҳажми кўпайиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш жадаллашди.

Бекободдаги Марказий Осиёда ягона "Ўзметкомбинат"да амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Бу ердаги туб ўзгаришлар мазкур завод нуфузини ошириш билан бир қаторда, бошқа корхоналар мушкулини ҳам анча осонлаштирди. Айтайлик, ҳар хил ҳажмли пўлат соққалар тайёрлашнинг жорий этилиши Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатларини ушбу маҳсулотларни хориждан келтириш машаққати ва ортиқча сарф-харажатлардан халос қилди. Диаметри 120 миллиметрлик пўлат соққаларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши эса йилига 7 миллион АҚШ долларига тенг валютани тежаб қолиш имконини туғдирди. Ёки бошқа мисол: корхонада пўлат, рангли металл ва чўян эритувчи янги цехлар қурилиб, технологиялар такомиллаштирилгач, электр энергия ва электродлар сарфи чорак фоизга камайди. Металл эритиш муддати 2 соату 35 дақиқадан 1 соатгача қисқарди. Шуларнинг самараси ўлароқ, бултур 616704 тонна пўлат, 585670 тонна тайёр прокат, 5,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Қўшни республикалар ва Буюк Британия, Исроил, Хитой, Сингапур, Индонезия каби ўндан ортиқ давлатга 87,1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу кўрсаткичлар жорий йилда янада ўсиши кутилмоқда.



Ангрен кўмир конида ҳам кенг кўламли модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда. Бу бежиз эмас: аввало, мамлакатимизда ҳар йили қазиб олинаётган кўмирнинг қарийб 98 фоизи ушбу корхона улушига тўғри келади. Иккинчидан, кон захираси беҳад бой бўлиб, яна минг йилларга етгулик қаттиқ ёқилғи борлиги аниқланган. Шу боис, уни 2013 йилгача тўлиқ замонавийлаштириш режалаштирилган. Бунинг учун Германиянинг "KRUPP" фирмаси ҳамкорлигида 212 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш белгиланган. Айни дамларда модернизациялашнинг дастлабки босқичи поёнига етмоқда. Шу жараёнда кон юзини очишга ихтисослашган ротор мажмуаси ишга туширилиб, кўп юк кўтарадиган автомобиллар, бошқа техник воситалар харид қилинди. Самараси чакки бўлмади. Инчунин, бу йил аввалги йиллардагига нисбатан икки баравар кўп — 3,6 миллион тонна кўмир қазиб олиш мўлжалланаяпти. Модернизациялаш тўлиқ якунлангач, бу миқдор тўрт бараварга ортиши кўзда тутилаяпти.

Даврга ҳамнафас бўлиб, бозор иқтисодиёти талаблари асосида яшаш "Ўзбеккимёмаш", "Оҳангаронцемент", "Оҳангароншифер", "Бекободцемент", "Аммофос", "Янгийўлёғмой", "Лаззат" сингари қатор очиқ акциядорлик жамиятлари, "Фараз ЛТД", "Росси" каби қўшма корхоналар ҳаётини ҳам ёркин саҳифалар билан безаб, уларнинг жаҳон бозорига чиқишига кенг йўл очаётир. Ўз навбатида, қишлоққа саноатни олиб киришга, касаначиликни ривожлантиришга, бандлик муаммосини ижобий ҳал этишга хизмат қилаётир. Мисол тариқасида ҳиндистонлик сармоядорлар ҳамкорлигида қайта туғилган "SPENTEX TASHKENT TOYTEPA" қўшма корхонасини олайлик. Унда ҳозир 2100 киши ишламоқда. "Ҳасанбой Мурувват-текс" компанияси уч ҳафтача бурун Тошкент тумани аҳлига ҳадя қилган тўқимачилик фабрикаси шарофати билан бирйўла 500 нафар хотин-қиз тайинли иш ўрнига эга бўлди. Ҳадемай, йилига 30 миллион дона маҳсулот тайёрлаш қувватига эга ғишт заводи фойдаланишга топширилса, оҳангаронликларга ҳам кўпчилик ҳавас қилиши турган гап. Негаки, Германиянинг "STEINERT INDYSTRIES" компаниясининг 11,5 миллиард сўмлик инвестиция маблағи эвазига тикланаётган бу завод битгач, юзлаб одам ишли бўлади.

Кўнгилга хуш ёқадиган, бунёдкорлик ва эзгуликка дахлдор бундай далилларни яна истаганча давом эттириш мумкин...

### Меҳр қолур...

Вилоятда халқ хўжалигини ривожлантириш асноси аҳоли саломатлигини асрашга, ижтимоий муҳофазага ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол вояга етишлари учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Шу мақсадда мавжуд соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт муассасалари таъмирланиб, янгилари барпо этилмоқда. Бинобарин, 2004-2006 йиллар мобайнида 10 та билим маскани қурилди. 95 та мактаб мукаммал реконструкция қилиниб, 143 таси капитал, 33 таси жорий таъмирдан чиқарилди. Бу мақсадларга 48,2 миллиард, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари олиш учун 10 миллиард сўм харжланди.

Вилоятда янги ўқув йилидан эътиборан, шинам ва кўркам мактаблар сони бир нечтага ортади. Шунингдек, ҳозиргача мавжуд 18 та касб-ҳунар коллежи ёнига ҳали бўёғи қуримаган 11 таси қўшилади. Бекобод шаҳрида, Зангиота, Паркент, Тошкент, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ туманлари ва бошқа ҳудудларда замонавий услубда чирой очган бу муҳташам кошоналар яқиндагина 9-синфни тугатган 30 минг ўғил-қизни бағрига олади. Уларга 16 йўналиш бўйича касб-ҳунар ўргата бошлайди.

Албатта, дастурхони тўкин, турмуши фаровон, фарзандлари соғлом-билимдон, эртанги кунидан кўнгли тўқ юртга тўй-томошалар, байрам-тантаналар ярашади. Инсонлараро дўстлик-биродарлик, меҳр-оқибат туйғулари жўш уради. Хайр-саховат ишлари авж олади. Мана, исботи: Ижтимоий ҳимоя йили ва Мустақилликнинг 16 йиллиги муносабати билан вилоятда маданий-маърифий ва хайрия тадбирлари янада кўпайди. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан Янгийўлда татар халқининг миллий байрами — Сабантўй, Олмалиқда "Ўзбекистон — умумий уйимиз", Ғазалкентда "Шу азиз Ватан — барчамизники!", Ангренда "Муруватли бўлайлик!", Сусам қишлоғида "Инсон манфаатлари — олий қадрият" деб номланган тадбирлар уюштирилди. Барча туман-шаҳарларда "Соғлом она — соғлом бола" спорт мусобақалари, вилоят миқёсида "Ёшлар — гиёҳвандликка қарши!" фестивали ўтказилди. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Қибрай, Зангиота туманларида эл ардоғидаги адиб ва санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этилди. Таътил кезлари меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳамда серфарзанд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга мансуб болалардан 690 нафари ёзги оромгоҳларда имтиёзли дам олиши таъминланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва ёлғиз кексалар, кўмакка муҳтож кишилардан 246 нафарига турли санаторийларда соғлиғини тиклаши учун бепул йўлланмалар тарқатилди. Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорларига асосан олти ой ичида кам таъминланган оилаларга 1880 бош қорамол олиб берилди. Шунингдек, вилоят бўйича 81 мингта ёш оила борлиги аниқланиб, тижорат банклари томонидан уларга 1668000 сўмлик кредит ажратилди.

Меҳр-мурувват ишларидан фермерлар ва хусусий тадбиркорлар ҳам четда қолишмади. Улардан бир гуруҳи вилоят руҳий аномал болалар уйининг таъмирланишига, 26 миллион сўмлик ёрдам буюмлари ва автомобиль харид қилинишига баҳоликудрат ҳисса қўшган бўлсалар, баъзилари чинозлик тўққиз нафар чақалоққа болалар аравачаси ва юмшоқ ўйинчоқлар топширилишига бош-қош бўлдилар. Қибрайлик тадбиркор Фарҳод Мираҳмедов туман марказий шифохонасининг болалар бўлимига, "Интер-Роҳат" қўшма корхонаси ходимлари Салор қўрғончасидаги Тошкент иссиқлик электр станцияси поликлиникасига биттадан "Дамас" русумли тез ёрдам машинаси туҳфа этди. Вилоят кенгаши депутати Абдуносир Қосимов эса оҳангаронлик юз нафар ўқувчининг ҳар бирига банк омонат дафтарчаси очиб, 20 минг сўмдан пул қўйди.

*Мухтасар қилиб айтганда, Тошкент вилоятида барча жабҳаларда олиб борилаётганислоҳотлар мамлакат, эл-юрт ва инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда. Воҳа аҳли Истиқлол байрамини муносиб совғалар билан кутиб олмоқда.*

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ШЕРОБОДНИНГ ЧИННИСИ

***Чиннисозликни ҳавас қилмайдиган кулолни ҳақиқий кулол демайдилар. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда Шерободнинг «кулол»ини ҳам изланувчилар ва топағонлар қаторига қўйсак, хато бўлмас. Ҳозир «Кулол» масъулияти чекланган жамият деб аталувчи ўттиз кишилик бу жамоа гултувак, кулдон, тоштобоқ, тошкоса (керамика ашёларини одамлар шундай — «тош» сўзи билан сифатлашади)дан чинни буюмлари ишлаб чиқаришга ўтиши учун оз эмас, чорак аср изланди.***

Бу ерда ҳозир сифати Самарқандникидан қолишмайдиган 10 хилга яқин рўзғор чинни ашёлари тайёрланмоқда: лаган, чойнак, пиёла, дастурхонга зеб бериб турадиган тақсимчалар...

Яна бир янгилик: чинни пишириш учун керак бўладиган пегматит деган «масаллиқ»ни илгари Ангрен шаҳридан ташиб келтирилларди. Энди бунга ҳожат йўқ. Шеробод тоғларида ўтказилган қидирув ишлари самара бериб, Вандоб қишлоғидан ўтувчи Шерданак сойи соҳилларидан пегматитнинг

**▼ Жараён**

катта захираси аниқланди. Оёқнинг остидан топилган ноёб захира маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини сезиларли даражада арзонлаштириш йўлини очди.

— Яқинда чинни пиширадиган иккита ерхумдон қуриб ишга туширдик, — дейди жамият раиси Сарвар Қаршиева. — Хумдон газда ёнади. Уни ҳатто кўмир билан ҳам қизитиш мумкин. Бу усул электр энергиясини тежаб, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Маҳсулот тайёрлаш суръатини тўрт-беш баравар оширишимизга имкон яратади.

Қаршиеванинг фикрича, иқтисодий кўрсаткичлар, ишчиларнинг кайфиятлари ҳам чинни буюмларидек тиниқ жаранглаб турмоғи керак. Шундай бўляпти ҳам. Асосий соҳага қўшимча йилига 400 тонна оҳак ишлаб чиқарилади. Аҳолига 10 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилади. 20 киши эса касаначилик асосида ишга жалб этилган. Ишлари унумли. Маошлари тайинли. Акбар Тўхташев, Туроп Ҳақназаров, Каромат Худойқулова, Дилафрўз Бегимовалар эса ҳомийлик юзасидан ҳар бири қаватига бештадан шогирд олиб, уларга касб-кор ўргатишмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЁШ МУТАХАССИСЛАР ЎҚУВИ

*Тошкент давлат юридик институтида жамиятни янгилаш ва давлат бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган амалий семинар бошланди.*

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси мазкур институт билан ҳамкорликда ҳарбий прокуратура органларида хизматни ўтаётган ёш мутахассислар учун ташкил этган тадбирга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, тегишли муассасалар вакиллари, олимлар, ўқитувчи ҳамда мутахассислар таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия подполковниги С.Жўраев, Тошкент давлат юридик институтининг биринчи проректори Д.Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни янгилаш, давлат бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш борасида изчилган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Истиқлол йилларида юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар — суд жараёни, том маънодаги мустақил, эркин суд тизимини яратиш, жиноий жазони либераллаштиришнинг қонуний асослари ишлаб чиқилгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Тобора такомиллашиб бораётган ушбу жараён ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Уч кун давом этадиган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад соҳа вакиллари, айниқса, ёш мутахассисларнинг касбий билимини, тажриба ва малакасини оширишдан иборатдир. Семинарнинг дастлабки кунида жамиятни янгилаш ва давлат бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган долзарб вазифалар, ислоҳотлар жараёнида ушбу органларнинг масъулиятини янада ошириш, фуқаролик ишларида прокурор иштироки каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Августдаги меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

***«Пахтам тош боссин», деган деҳқон эртаю кеч ғўза оралайди. Экин қатор ораларини шамоллатади. Ўсув нуқталарини табақалаб чилпийди. Шарбат суви оқизишдан эринмайди ва ниҳоят ҳосил кушандаси бўлган ҳашаротларни яқин йўлатмаслик ҳаракатини қилади. Бир сўз билан айтганда, бугун ўз ҳаловатидан кечган фермер ютқазмайди.***

# ҲАЛОВАТДАН КЕЧГАН ЮТҚАЗМАЙДИ



Экин парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўз муддатида, сифатли ўтказилаётгани боис бу йил ғўза баравж ривожланмоқда. Олд ғўзаларда саккиз-тўққизтадан бўлиқ кўсак бор. Лекин бу бизни мутлақо хотиржам қилмаслиги керак.

18,5 гектар майдонда пахта етиштиряпмиз. Қатор ораларига шарбат оқизишни канда қилганимиз йўқ. Негаки, у ҳосил тўплаётган экинга қувват бўлишдан ташқари намни сақлайди. Нам етарли бўлса кўсакка айланаётган гул сувсизликдан тўкилиб кетмайди.

Хусусий биолабораториямиз бор. Уни ташкил этганимизга етти йил бўлди. Ўзимиздан бошқа яна 18 та фермер хўжалигига ҳар йили фойдали ҳашорат етказиб берамиз. Жорий йилда 259 гектар майдондаги экинга бизнинг биомаҳсулот билан ишлов берилди. Мана, натижаси, зараркунандалар йўқ ҳисоби.

Халқимизда «Асад — экинингни ясат», деган ҳикмат бор. Ҳосил тақдири ҳал қилувчи паллага кирган ушбу дамда ҳар дақиқанинг қадрига етишимиз, ишни тажрибали деҳқонлар, мутахассислар маслаҳати, йўлйўриғи асосида ташкил этмоғимиз лозим. Ана шунда улкан хирмон уйиб, юзимиз ёруғ, кўнглимиз осмон бўлади.

**Тўхтасин ЖЎРАЕВ,**
**фермер.**
Булоқбоши тумани.

# ТАРИХИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ




***Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилган "Тарихимизни ўрганамиз" мавзуидаги кўрик-танлов якунланди.***

АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, тарихимизни холисона ўрганиш ва шу орқали халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, юрт тақдири учун дахлдорлик туйғуларини шакллантиришдан иборат эди.

Пойтахт маҳаллалари раислари ўртасида ўтказилган мазкур танловда тарихимиз, жумладан, қадимий Шошнинг узоқ ўтмишини ўрганиш, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, ушбу йўналишда ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига эътибор қаратилди.

Танлов натижаларига кўра Шайхонтоҳур туманидаги "Сузукота" маҳалласи раиси Асқар Обидов биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Ҳамза туманидаги "Янгиобод" маҳалласи раиси Хурсандали Тожиаҳмедов ҳамда Учтепа туманидаги "Ширин" маҳалласи раиси Гулжаҳон Ҳасановага насиб этди.

**(ЎзА).**

***Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожини ҳар томонлама ва изчил қўллаб-қувватлаш давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда бир қатор муҳим ҳужжатлар – хусусан, республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний чақириб олганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик қоидабузарликлари учун молиявий жавобгарлигини либераллаштириш тўғрисида», «Микрофирма ва кичик корхоналар ривожини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» каби фармон ва қарорлари қабул қилинди. Технологик ускуналарни импорт қилувчи корхоналарга солиқ ҳамда божхона тўғрисидаги қонунларда имтиёзлар белгиланган бўлиб, жумладан, божхона тўловларидан озод қилиш ҳам кўзда тутилган. Айнан шу орқали кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун қулай муҳит яратилмоқда.***

*«PROMIZOLIT» МЧЖ:*

# ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Шунинг натижасида Ўзбекистонда янги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар вужудга келиб, улар юксак технологияларни ривожлантиришга сармоялар киритмоқдалар. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсишнинг қўшимча омили сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Натижада валюта маблағлари тежалмоқда, импорт ўрнини босадиган харидоргир маҳсулотлар бозори тўлдирилмоқда, қўшимча ишчи ўринлари очилмоқда.

Яқин-яқинларгача электр машина ва механизмларини ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлашда қўлланиладиган электроизоляция ашёлари фақат четдан келтириларди. Сир эмаски, асосан республика оғир машинасозлик корхоналаридан иборат бўлган истеъмолчиларда ушбу маҳсулотларга эга бўлишда валюта маблағлари етишмаслиги ҳамда маҳсулот етказиб бериш шартлари ва ҳажмлари билан боғлиқ бир қанча мураккабликлар юзага келарди. Бундай шартлар эса кўп ҳолларда ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қўйиларди. Шундай ҳоллар ҳам юз берардики, катта миқдорда келтирилган маҳсулотларнинг яроқлилик муддати тугаб қолган бўларди. Ваҳоланки, гап электроизоляция ашёлари тўғрисида бораяпти. Уларнинг сифати эса мураккаб қисм ҳамда механизмларнинг қандай ишлашига боғлиқ.

Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган «Элинар», «Электроизолит» ва «Диэлектрик» ёпиқ акциядорлик жамиятлари ушбу маҳсулотларни етказиб берувчи асосий заводлар ҳисобланиб, улар МДҲ мамлакатлари ва айрим Европа давлатларини электроизоляция ашёлари билан таъминлайди.

Республикамизда электроизоляция ашёларининг асосий буюртмачилари бўлган «Ўзбекэнерго» ДАК, ОКМК, НКМКнинг марказий ва жанубий кон бошқармалари, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзбекнефтгаз» МХК, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Средазцветметэнерго» корхонаси, «Узжелдорреммаш», «Ўзбекхимпром» ДАК, шунингдек, тўқимачилик ва пахтани қайта ишлаш тармоқлари, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бу ашёларга, мутахассисларнинг берган баҳосига қараганда, кўплаб валюта маблағлари сарфламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам шу типдаги ишлаб чиқариш корхонаси вужудга келди. У эҳтиёж катта бўлган ана шу маҳсулот билан ўзимизнинг бозорни тўлдириш имкониятига эга. Бу «PROMIZOLIT» МЧЖ Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасидир. У ўз маҳсулотини истеъмолчиларга тўғридан-тўғри конвейерлардан етказиб беради ҳамда сўмда сотади.

Гарчи ҳар қандай бизнесда таваккалчилик хавфи маълум даражада бўлса-да, Ўзбекистонда, хусусан, Тошкент вилоятининг Қибрай туманида электроизоляция ашёларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қарори пухта ўйланган ва асосли эди. Битим асосида юқори технологияли ускуналар, технологиялар харид қилинди, мутахассисларни ўқитиш учун маблағлар сарфланди. Бозор талабларига қараб ўз ишлаб чиқаришини тез ўзгартира оладиган корхона аллақачон ўз истеъмолчиларини топишга улгурди.

«PROMIZOLIT» МЧЖ яқиндагина, аниқроғи, 2007 йил июнь ойининг ўрталарида ўз маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлаганига қарамай, республикадаги кўпгина корхоналар унинг маҳсулотлари билан қизиқиб қолди, айримлари эса ундан муваффақиятли фойдаланмоқда. «PROMIZOLIT» маҳсулотларининг юқори сифатли эканлиги истеъмолчи корхоналарнинг синов баённомаларида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Айтиш жоизки, республика иқтисодиётининг саноат тармоғи изчил ривожланиб бориши муносабати билан бозорнинг ушбу маҳсулотга бўлган талаби ҳам ошиб боради. Шу сабабли ушбу корхонада маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ҳисобига (ҳозир у Россиядан келтирилмоқда) электроизоляция ашёлари турларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш назарда тутилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда ҳозир ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга тайёргарлик кўрилмоқда. Масалан, шойи ҳамда бўз матолари электроизоляция ашёлари учун жуда яхши хом ашё бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳозир «PROMIZOLIT» МЧЖ Марказий Осиё минтақасида шу соҳага ихтисослашган ягона корхона бўлганлиги учун Қозоғистон ва Тожикистонда унинг маҳсулотига қизиқиш пайдо бўлди. Қирғизистон ва Туркманистонда ҳам шундай истак бўлиши, шубҳасиз. Шу боис корхона нафақат ички бозорни тўлдириш, балки яқин келажакда қўшни мамлакатларга ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштирмоқда. Шунингдек, «PROMIZOLIT» МЧЖ электродвигателлар, трансформаторлар, электртўсгич ускуналари ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли янги корхоналарни барпо этиш учун асосий негиз бўлиши ҳам мумкин.

«PROMIZOLIT» МЧЖ умумий ривожланиш, шу жумладан, экспорт соҳасида ҳам катта салоҳиятга эга. Унинг мутахассисларида эса шу соҳада ишлаш иштиёқи кучли. Бинобарин, яқин вақт ичида бу корхона мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётганлар қаторида ўз ўрнини эгаллайди, келажакда эса рақобатбардош маҳсулотлар билан жаҳон бозорига ҳам чиқади.

[t]

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Вазирнинг баёноти

***Покистон Президенти Парвез Мушарраф ички ва ташқи хавф таҳдиди кучайганлиги боис мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишни режалаштирмоқда.***

Бу ҳақда мамлакат ахборот вазири Тарик Азим баёнот берди. Вазирнинг сўзларига кўра, Афғонистон билан чегара ҳудудларда тартиб ўрнатиш учун ҳукумат шундай йўл тутиши мумкин. Манбада келтирилишича, давлат раҳбари бу масалада ҳозирча узил-кесил қарорга келгани йўқ.

## Вирус тарқалишда давом этмоқда

*Буюк Британиянинг Суррей графлигидаги яна бир фермада оқсил касаллиги аниқланди. Шу пайтга қадар учта фермада қора моллар оқибати ўлим билан тугайдиган вирусни юқтиргани маълум бўлди.*




Айни пайтда мамлакатда ушбу вирусни тарқатган шахслар қидирилмоқда. Полиция «Merial» компанияси ходимларидан бирини гумондор сифатида тергов қилди. Ушбу компания фаолияти турли вирусларни ўрганишга қаратилган.

## Тинч океани нотинч



***Япониянинг жанубида Рихтер шкаласи бўйича 5,2 баллик зилзила рўй берди. Табиий офат Тайван ҳамда Индонезияни ҳам четлаб ўтмади.***

Жакартада ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 7,5 баллни ташкил этди. Ҳозирча табиий офатдан жабр кўрганлар ёки вайронагарчиликлар ҳақида аниқ хабар йўқ. Ер силкиниши натижасида цунами келиб чиқмади. Лекин минтақа аҳолиси табиий офатдан қаттиқ ваҳимага тушган.

## Самолёт уриб туширилди...ми?

***Дарфур музофотидаги суданлик исёнчилар 8 август куни ҳукумат кучларига қарашли ҳарбий самолёт уриб туширилганини маълум қилишди.***



**Бироқ Судан Мудофаа вазирлиги самолёт йўқолганлиги тўғрисидаги хабарни ҳозирча тасдиқлагани йўқ.**

**Эслатиб ўтамиз, бир неча йилдан буён мамлакатда диний ва этник зиддиятлар туфайли қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Уруш оқибатида 100 минглаб тинч аҳоли қурбон бўлди. Минтақадаги зўравонликни тўхтатиш мақсадида ўтган ҳафтада БМТ Хавфсизлик Кенгаши Дарфурга 26 минг нафарлик тинчликпарвар кучларни жўнатиш тўғрисида резолюция қабул қилди.**

***Беларусь ҳукумати биринчи ярим йилликда етказиб берилган газ учун «Газпром» олдидаги 460 миллион долларлик қарзларини тўлиқ тўлади.***

## Қарз тўлиқ тўланди

Бу ҳақда «Газпром» вакили Сергей Куприянов РИА «Новости»га маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, 23 июль куни «Газпром» расмий Минскни агар қарз тўланмаса, етказиб берилаётган газ миқдори 45 фоизга камайтирилиши тўғрисида огоҳлантирганди.

## Шартномалар қайта кўриб чиқилади

***Саддам Ҳусайн даврида нефть компаниялари билан тузилган шартномалар қайтадан кўриб чиқилади ҳамда улар Ироқнинг янги қонунчилигига мослаштирилади.***

Бу ҳақда мамлакат нефть вазири Ҳусайн Шахрастоний журналистларга интервью берди. Унинг сўзларига кўра, давлат суверенитети ҳурмат қилиниши, атроф-муҳитга зарар етказилмаслиги, маҳаллий кадрларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши шартномада ўз аксини топиши лозим. Вазир Ироқ учун манфаатли таклифлар билдирган компаниялар билан ҳамкорлик қилинишини таъкидлади.



## Юаннинг қадри ошаяпти



**Хитой ҳукумати АҚШ Конгресси томонидан мамлакат миллий валютаси — юанга нисбатан босим ўтказилишига қарши жиддий чоралар кўрилиши мумкинлигини билдирди. Хусусан, ҳукумат вакили мамлакат хазинасидаги олтин-валюта захиралари сотувга чиқарилиши мумкинлигини таъкидлади. АҚШ молия вазири Генри Полсон Хитой агар захирадаги активларини оммавий сотувга чиқарса, нафақат Америка иқтисодиётига, балки жаҳон молия бозорига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тан олди. Айни пайтда Хитойнинг олтин-валюта захираси 1,33 триллион долларни ташкил қилади. Шундан 900 миллиард доллари АҚШ облигацияларидир.**

**Сўнгги икки йил давомида юаннинг долларга нисбатан қадри 9 фоизга мустаҳкамланди. Иқтисодий таҳлилчиларнинг фикрича, Хитой ва АҚШ ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқдаги номутаносиблик бунга сабаб бўлмоқда. Хитойнинг савдо балансида йилдан-йилга профицит, АҚШ савдо балансида эса, аксинча, дефицит ўсиб бораяпти.**

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.

16 йил

*Буюртмалар шу йилнинг 24 августигача қабул қилинади.*

Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: xalk_suzi@rambler.ru

**ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН ДАВЛАТ РАҚАМ БЕЛГИЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҚУЙИДАГИ УСКУНА ВА ЖИҲОЗЛАР ҲАМДА САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ

алюминий бобиналарни жойлаштириш ва дастлабки тозалашни бажарувчи ускуна, ультратовуш ёрдамида тезликни назорат қилувчи вальцовка машинаси, ярим тайёр маҳсулотни ламинация қилувчи тизим, ичига лента конвейерлари жойлашган ҳамда кассетаси билан ярим тайёр маҳсулотни кесиб чиқарувчи пресс клишелари бўлган, эмбоссация қилувчи мослама, иссиқ босма усулида полиэстер пленкани ёпиштирувчи ускуна, «Амц» русумли алюмин қотишмалардан тайёрланган лента, нур қайтарувчи ўрамли оқ, сариқ, яшил, оч зангори тусли, ранг-баранг графика қисмлари мавжуд ёки улари бўлмаган лента, полиэстер пленка (фольга)ни

**ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТЕНДЕР САВДОСИ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

**Манзил: 100070, Тошкент ш., Ш.Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.**

**Тендер ҳужжатлари 2007 йил 16 август соат 17.00 гача қабул қилинади.**

**Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 144-28-54, 144-43-83, 281-43-76. E-mail: umtvs@uzpak.uz**

**Қўшимча маълумотлар WWW.dgMarket.uz сайтида жойлаштирилган.**

IPOTEKA BANK

IPOTEKA BANK

**Ёш оилалар диққатига!**

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3878-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Ипотека-банк» томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратиш тизими тўлиқ йўлга қўйилган. Шу муносабат билан, имтиёзли шартлар асосида кредит олиш истагида бўлган ёш оилалар бемалол ўзлари яшаб турган ҳудуддаги «Ипотека-банк»нинг филиалларига мурожаат қилишлари мумкин. Ушбу масалада бирон-бир муаммо юзага келадиган бўлса, ҳафтанинг иш кунларида соат 9.00 дан 18.00 гача «Ипотека-банк»нинг қуйидаги «Ишонч телефонлари»га мурожаат этишингиз мумкинлиги маълум қилинади.

**«Ипотека-банк» бош офисида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» рақамлари:**

**150-89-48, 150-98-16, 150-98-28, 150-98-26**

**«Ипотека-банк»нинг ҳудудий филиалларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» рақамлари**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 222-35-56 | 222-34-77 |
| Андижон вилояти | 222-33-20 | 225-63-00 |
| Бухоро вилояти | 223-46-51 | 223-30-34 |
| Жиззах вилояти | 226-02-33 | 226-02-40 |
| Қашқадарё вилояти | 221-03-72 | 221-07-48 |
| Навоий вилояти | 226-03-14 | 223-37-57 |
| Наманган вилояти | 233-76-84 | 233-76-37 |
| Самарқанд вилояти | 234-29-36 | 234-29-42 |
| Сурхондарё вилояти | 223-62-00 | 223-06-50 |
| Сирдарё вилояти | 225-04-29 | 225-23-41 |
| Тошкент вилояти | 150-46-73 | 117-25-01 |
| Фарғона вилояти | 224-86-64 | 224-13-77 |
| Хоразм вилояти | 226-57-77 | 226-13-66 |
| Тошкент шаҳри | 133-90-34 | 133-30-34 |

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН**

NURON

Сервер
PY ECO200S2A
XEON DP 5050
2 x 250G
2X 1GB ECC
DVD-RW DL

LCD Мониторлар
SCENICVIEW A17-2
SCENICVIEW E19-6
Кафолат — 3 йил



Ноутбуклар
FUJITSU SIEMENS COMPUTERS
Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.
Кафолат — 2 йил

Манзил: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй. Тел.: 194-60-60. Факс: 120-74-93. www.nuron.uz
Маҳсулот сертификатланган.

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS



Шахсий компьютер FSC
ESPRIMO P2511 946GZ
CPU 420/512MB/ 80 GB
Serial/DVD Serial
ATA/Linux
Кафолат — 3 йил





*Наманган туманидаги Ирвадон қишлоғида яшаб, ижод қилаётган рассом Ҳайдарали Усмоновнинг ижодхонасида бўлганмисиз? Дарвоқе, ижодхона ўз соҳибининг турмуш тарзига хос тартибсизроқ, кенг-мўл. Тўрт томон полдан шифтгача суратлар билан қопланган, девордан жой тегмаганлари эса хонанинг бурчакларида уюлиб ётади. Мольберт ва унинг ён-атрофида эндигина бошланган, чала-ярим чизгилар ҳам шу ерда.*

# МЎЙҚАЛАМ СЕҲРИ

Асосан, табиат манзаралари акс эттирилган асарлар қаршисида узоқ-узоқ туриб қоласиз ва яна кўнглингизни узолмай бошқасига ўтасиз. Йилнинг тўрт фасли бунда бир вақтнинг ўзида ҳукмрон. Расмлардан бири рўпарасида виқорли тоғлар қорли чўққисидан уфураётган совуқдан этингиз жунжикса, иккинчисида саратон жазирамасидан пешонангизда реза-реза терлар пайдо бўлади. Бошқа бир манзарада кўклам нафаси дилингизни қитиқласа, ёнидагисига боқиб туриб файласуф кузнинг паришонхол кайфияти оғушида қоласиз. «Қуёшли кўча» номли асарда тоғ қишлоғининг тор кўчасида бешик тўйидан...ми қайтаётган аёл тимсолида онажонингизни кўрсангиз, ёнида унинг тугунини кўтариб келаётган болакай беғубор болалигингизни ёдга солади, «Кушанда тонг»да саҳарлаб қўйларини ўтлатиб юрган қизни беихтиёр синглингизга ўхшатасиз.

Мусаввир ўнлаб халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, бундай анжуманларда ўзининг алоҳида ўрни бор ижодкорга айланди. 1997 йилда Анқарада ўтказилган 3-халқаро кўргазмада 36 давлат рангтасвирчилари ичида биринчи ўринни олди. Ҳозирда мўйқалам устасининг 300 дан зиёд асари дунёнинг турли мамлакатларида она юртимизни мадҳ этиб, тасвирий санъат шайдоларига ҳайрат улашиб юрибди.

— Табиийки, кўргазмаларда асарларингиз сотилиб кетади. Улардан айрилиш... сиз учун оғир бўлса керак, — дея сўраймиз астагина.

— Ҳа. Лекин асарларининг устахонада чанг босиб ётмаслиги ҳам рассом учун катта бахт. Мен шу жиҳатдан бахтиёрман.

— Мўйқалам орқасидан топилаётган даромадлар кўпайган бўлса керагов... — ярим ҳазил-ярим чин қилиб сўраймиз ундан.

— Бугун астойдил меҳнат қилган одам ҳеч нарсага зориқмайдиган замонда яшаяпмиз. Энг муҳими, онгимизда, миллий маънавиятимизда сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бундан ташқари, ўзига тўқ оилалар, шинам кўчалар, орзу-ҳавасдаги уйлар, турли маркадаги машиналар... Ўз хонадонларини кўркам санъат асарлари билан билан безатишга қизиқувчилар тобора кўпайиб бораяпти. Буям халқимиз ҳаёти юксалиб бораётганидан нишона. Шу маънода тинчлик-осойишталик замонида бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратган рассом асло кам бўлмайди...

▼ Истеъдод

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Акрамжон САТТОРОВ,**
**жамоатчи мухбир.**

Илмий ва лойиҳалаштириш ташкилотлари, компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

*божхона органларида бож ва бошқа тўловлар ҳисобини юритишни автоматлаштирувчи «БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ» ягона автоматлаштирилган ахборот тизими дастурий таъминотини яратиш бўйича*

**танлов эълон қилади.**

Танловда web-технологиялари ва маълумотлар базасини бошқарув тизимлари асосида йирик ташкилотларга дастурий таъминотларни ишлаб чиқишда ижобий тажрибага эга бўлган компаниялар иштирок этишлари мумкин. Иштирокчи компаниялар ахборот технологиялари соҳасида камида 3 йиллик тажрибага эга бўлишлари шарт.

Таклифларни тақдим этиш муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун давомида.

Маълумотлар ва техник талаблар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 120-76-66, 120-76-00, қўшимча телефонлар: 28-95, 28-60.

1129Я/1411

**«Ўзбекэнерго» ДАК тармоғидаги электр станцияларидан узатиладиган иссиқлик энергияси учун ТАРИФЛАР**

**2007 йил 1 августдан амал қилади.**

**I-гуруҳ** Барча истеъмолчилар — шу жумладан, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар, барча ўлчамдаги иссиқ сув ва буғни оладиган улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчилар ҳамда теплица-иссиқхона хўжаликлари бундан мустасно.
**1 Гкал учун — 17 300 сўм.**

**II-гуруҳ** Улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчи (ўз балансида иссиқлик тармоқлари бўлган, улардан фойдаланиладиган, энергия билан таъминловчи ташкилотдан олинган иссиқлик энергиясини улгуржи харид қиладиган ва қайта сотадиган хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар) теплица-иссиқхона хўжаликлари.
**1 Гкал учун — 14 800 сўм.**

**III-гуруҳ** Энергетика тизимининг хўжалик эҳтиёжлари.
**1 Гкал учун — 13 020 сўм.**

Эслатма:
1. Ушбу тарифлар ҚҚС билан ўрнатилган.
2. Иссиқлик манбаи корхоналарига узатиладиган иссиқлик энергияси учун тарифлар алоҳида ўрнатилади.
3. Ушбу тарифлар кучга кириши билан 2006 йил 1 августдан амал қилган тарифлар ўз кучини йўқотади.

1123Я/1383

● Спорт

***Самарқанддаги "Динамо" теннис кортида анъанавий "Челленжер" халқаро турнири бошланди.***

## «Челленжер» Самарқандда

Бир неча йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа мамлакатимизда теннисни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Бу сафарги халқаро турнирда юртдошларимиздан ташқари, Россия, Аргентина, АҚШ каби кўплаб давлатлардан келган ракетка усталари ғолиблик учун баҳс юритмоқда.

## Сербияда ҳам бўш келишмади

***Сузиш бўйича Сербия очиқ чемпионатидан мамлакатимиз спортчилари медаллар билан қайтишди.***

Унда мезбонлардан ташқари, Беларусь, Македония ва Ўзбекистондан борган 200 нафарга яқин спортчилар иштирок этди. Навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмалар берувчи мусобақа бўлганлиги сабабли, барча йўналишлар бўйича кураш қизғин кечди. Жумладан, ҳамюртларимиздан Сергей Паньков 100 ва 200 метрларга чалқанча ҳамда 200 метрга баттерфляй усулда сузиш баҳсларида биринчи ўринни қўлга киритди. Олег Ляшко 100 ва 200 метрга баттерфляй, Пётр Ромашкин 200 метрга эркин усулда сузишда маррага иккинчи бўлиб етиб келишди. Яна бир вакилимиз Равиль Начаев 50 ва 100 метрга эркин усулда сузишда учинчи ўринни эгаллади.



## Ғолибга аталган соврин

***Пойтахтимизда фахрийлар ўртасида шахмат бўйича мамлакат чемпионати якунланди.***

Сўнгги тўққизинчи турдан сўнг пойтахтлик Константин Малиничев ва Андижон вилояти вакили Виктор Вороновлар бир хил 7,5 тадан очко жамғаришганди. Қўшимча кўрсаткичлари яхши бўлганлиги сабабли андижонлик шахматчига биринчи ўрин берилди. Учинчи ўрин (7 очко) Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган шахматчи Вячеслав Агзамовга насиб этди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қойил!

***Қишлоқда оқова сувлар ташланадиган жар бор. Эни ўн қадамча келади. Толибжон беш йил олдин таваккал қилиб шу жарнинг бир қисмига шолини кўчат қилиб экди. Кулоқнинг бошига чайла қуриб яшади, сув кечиб, шолини ўтоқ қилди.***

***Йигит кишининг омади чопса, ҳеч гап эмас экан. Бир шоли бўлди денг, манаман деган уста шоликорлар ҳам унга беш кетди. Толибжон эса нақд уч тонна шолини оқжувозда оқлатиб олди.***

***Бизда шолининг нави кўп, аммо «Кенжа»сига тенглашадиган кам. Гуручи дам егандан кейин қозондан ўрмалаб чиқиб кетай дейди. Толибжон ҳам шу «Кенжа» навини эккан эди. Гуручини чойхоначи ошпазларга кўтарасига сотди. Тушган пулнинг ҳаммасига эчки харид қилди.***

# ЭЧКИ СУТИНИНГ МЎЪЖИЗАСИ



Энди икки оғиз унинг эчкига ишқибозлиги ҳақида.

Ўттиз йил бурун Толибжоннинг отаси Пиримқул ака тўсатдан оғир дардга чалинди. Докторлар ташхис қўйиб, «ошқозон саратони», дейишди. Ёш профессор операция қилди. Бироқ бемор ўнгланмади, кун сайин аҳволи оғирлашиб бораверди. Ноилож уйига олиб келишди...

Ўшанда у профессорга раҳмат айтолмаганди. Фарзандлари машинага нарвон билан олиб чиққан шифохонага ўн йилдан кейин ўз оёғи билан кириб борди.

Уни таниган профессор ҳайратга тушди.

— Сиз тирикмисиз, биродар?

Профессор собиқ бемордан нима еганидан тортиб, нима ичганигача қизиқиб сўради.

— Ўн йил ҳар куни икки маҳал эчки сути ичдим, — деди Пиримқул ака кўзлари ёшланиб. — Сизга минг раҳмат, доктор...

Толибжон эчкибоқарликни отасидан ўрганган. Битта эчкидан 400-500, баъзан 700 граммгача жун олиш мумкин. Бундан бозорда нархи 40-50 минг сўм турадиган иккита жун рўмол тўқиса бўлади.

Эчки териси ҳам бир хазина. Ундан чиройли сурпа тайёрлашади, кўзни қамаштирадиган чарм куртка тикишади. Чавандозларнинг чайир қамчиларияам эчки терисидан ясалади.

Эчки сути эса енгил ҳазм бўлиши жиҳатидан она сутига яқин туради. Шифобахшлиги учун дардманд кишиларга тавсия этилади. Боқилган эчкининг гўштига келсак, у қўй гўштидан қолишмайди. Фақат уни секин ва узоқ қайнатиш зарур.

— Мен бир нарсага ҳайронман, — дейди у. — Бозорларда товуқ гўшти сотилади, чўчқа гўшти сотилади, бироқ эчкининг гўшти алоҳида сотиладиган бирорта қассобхона йўқ. Баъзи бир қаллоб қассобларнинг қўй гўштига эчки гўштидан қўшиб тарозига қўйишлари шундан. Шу ҳақда ўйласам, бир ривоят эсимга тушади. Айтишларича, бир олис юрт подшосининг валиаҳд ўғли бетоб бўлиб, ётиб қолибди. Подшо тасарруфидаги барча музофотлардан машҳур табибларни чақириб, ўғлини кўрсатибди. Аммо шаҳзода тузалмабди. Шунда подшо бухоролик ҳаким Ибн Синога мурожаат қилибди. У чиллаширдай озиб кетган шаҳзоданинг томирларини ушлаб кўрибди, иштаҳасини текширибди. Сўнг подшога юзланиб, шундай дебди:

— Фарзандимдан ажраб қолмай десангиз, хизматчиларингизга айтинг, эндигина улоқлаган эчки билан қирқта чаён топиб келишсин. Шаҳзодага ҳар куни битта чаённи куйдириб егизиш, устидан бир пиёла эчки сутини ичириш лозим.

— Жаноби ҳаким, эчкининг йўли осон, — дебди подшо. — Ўғлим учун қирқ туя олтин десангиз, ҳозир муҳайё қиламан. Бироқ қирқта чаённи қаердан топаман?

— Хизматчиларингиз гўристонга боришсин, — дебди Ибн Сино. — Гўрковлардан суриштиришсин. Қаерга тарозидан уриб қоладиган, эчкининг гўштини қўй гўшти деб алдаб сотадиган қаллоб қассобларнинг майити қўйилган бўлса, ўша жойдан, албатта, қирқта чаён чиқади...

Эчкининг ҳам зоти кўп. Ўзимизнинг жайдари эчкилардан ташқари ангор эчкиси, кавказ эчкиси, Тошкентнинг оқ жунли эчкиси бор. Жайдари эчкиларнинг сути яхши бўлади, ангор эчкиларидан кўп жун олинади. Йигитлар бўйнига тақадиган замонавий шарфлар кўпроқ кавказ эчкиларининг жунидан тўқилади.

Муқояса учун маълумот. Боёвут туманидаги Навоий номли фермерлар уюшмаси жойлашган қишлоқда 3500 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг 866 бош қорамоли шу жумладан, 418 бош соғин сигири, 12 та оти, 1314 та паррандаси мавжуд. Қўй-эчкиларнинг сони 513 та. Шундан 150 таси эчки.

Толибжон энди фермер хўжалиги ташкил этиб, замонавий эчкихона қурмоқчи. Яна энг сутдор, энг жундор, энг гўштдор эчкилардан сотиб олмоқчи. Кейин сутдан пишлоқ тайёрлайдиган аппарат харид қилади. Хотини Жамила қишлоқлик хотин-қизларга эчки жунидан рўмоллар тўқишни ўргатади. Ўғил-қизларини ёнига олиб, эчки терисидан чилдирмалар тайёрлашни йўлга қўяди. Қатиқ ва сузма сақланадиган мешлар тайёрлайди. Чунки Англия, Франция ва Америкадан бизнесменлар, саёҳлар қишлоққа келиб, у ясаган мешларни олиб кетмоқдалар.

Яхши ният — ярим мол, дейишади. Навоий номли фермерлар уюшмасига тез орада Толибжон Бердиевнинг жамоаси ҳам қўшилиши бор гап. Ҳозир у шу мақсадда елиб-югуриб юрибди.

**Муҳаммад ИСОМУРОДОВ,**
**журналист.**
**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).**

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.**
**Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

711Н/542

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси компаниянинг моддий техника таъминоти бўлим бошлиғи Саидакбар Абиловга рафиқаси
**МАВЛУДАХОНнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Материалшунослик институти директори, техника фанлари доктори Абдужаббор Абдураҳмоновга акаси
**Абдуваҳоб ТОШПЎЛАТОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамкулов.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.50 23456